

“Тасдиқлайман”

“Қашқадарё сув таъминоти”

МЧЖ бош муҳандиси

Т.Якубов.

2022 йил.

“ 5 ”

## ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ

### ТЕХНИК ШАРТ № 281

**Буюртмачи:** Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар қорхонаси.

**Иншоотнинг номи:** Қарши туман “Тахтапул” маҳалласида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

**Манзили:** Қарши туман “Тахтапул” маҳалласи.

### I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

**1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой:** “Тахтапул” маҳалласини ичимлик сув билан таъминлаш учун, худуддан ўтган Шахрисабз-Қарши магистрал ичимлик сув қувурдан улансин ҳамда худудда кичик сув ҳайдаш насос станцияси қуриш, ичимлик сув тармоқлари тортиш лойиҳада аниқлансин.

**2. Уланадиган ичимлик сув қувори диаметри:** Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

**3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуктага қузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.**

**4. Уланиш нуктасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуктага ва ҳар бир хонадонга).**

### II. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

**1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.**

**2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.**

**3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.**

**4. Ичимлик сув қувори тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.**

**5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.**

**Асос:** “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар қорхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Қарши туман сув таъминоти филиалининг 01.11.2022 йилдаги №102-сонли техник ҳулосаси.

ИЧТБ бошлиғи

К.Қўйбоқоров